

БИЛД ЖАССАМАЙТ

ВА

Узбекистон Республикаси Мустақиллик
куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади

1996 йил декабрь

52
сон

— УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КҮМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда

1997 йил



ОИЛА НИЗНИИ
КУВОНЧ ТАРК ЭТМАСИН!

ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ	МАРТ	АПРЕЛЬ	МАЙ	ИЮНЬ
6 13 20 27 7 14 21 28 1 8 15 22 29 2 9 16 23 30 3 10 17 24 31 4 11 18 25 5 12 19 26	3 10 17 24 31 4 11 18 25 5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30	3 10 17 24 31 4 11 18 25 5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30	7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30 10 17 24 31 11 18 25 12 19 26 13 20 27	5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30 10 17 24 31 11 18 25	2 9 16 23 30 3 10 17 24 31 4 11 18 25 5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28 8 15 22 29
ИЮЛЬ	АВГУСТ	СЕНТЯБРЬ	ОКТЯБРЬ	НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ
7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30 10 17 24 31 11 18 25 12 19 26 13 20 27	4 11 18 25 5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30 10 17 24 31	1 8 15 22 29 2 9 16 23 30 3 10 17 24 31 4 11 18 25 5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28	6 13 20 27 7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30 10 17 24 31 11 18 25 12 19 26	3 10 17 24 4 11 18 25 5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28 8 15 22 29 9 16 23 30	1 8 15 22 29 2 9 16 23 30 3 10 17 24 31 4 11 18 25 5 12 19 26 6 13 20 27 7 14 21 28



• Биринчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисингин еттични сессияси бутун — 26 декабр куни эрталаб соат 10да Узбекистон Республикаси Олий Мажлисингин мажлислар залида очилади.

• Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Йилинг энг яхши спортигиси» Узбекистон Миллий кубогини таъсис этиши түргисида қарор қабул қилди.

• Япония пойтахти Токио шаҳрида Узбекистон элчичонасининг тантанали очилиш маросими булиб утди. Унда «Узбекистон-Япония» — «Япония-Узбекистон» иктисодий ҳамкорлик қумиталарининг учинчи кўшма мажлиси қатнашчилари иштирок этиши.

• Узбекистон Республикаси Олий Судидаги Узбекистон Республикаси Олий суди ва Узбекистон Республикаси Олий ҳуҷалик судининг «Узбекистон Республикасида суд ҳокимигитни амалга ошириш масалалари»га бағишланган кўшма пленуми булиб утди.

• Нукусда «Экология ва оналар саломатлиги» дастурининг Қоракалпогистон Республикаси ва Навоий вилоятида бажарлишига бағишланган йигилинг булид. Унда Қоракалпогистон Республикаси хамда барча вилоятлар хотин-қизлар қумиталари вакиллари иштирок эти. Йигилишида Узбекистон Республикаси Баш вазирининг уринбосари, Узбекистон хотин-қизлар қумитасининг раиси Д. Гуломова.

• Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлиғига биноан Қирғизистон Президенти Аскар Акаев шу йиль 24-25 декабр кунилари мамлакатимизга расмий ташриф буорди.

• Яқинлашиб келаётган янги — 1997 йил муносабати билан юртбочими Ислом Каримов номига АҚШ Президенти Билл Клинтон ва унинг рафиқаси Хиллари Клинтон, Буюк Британия Баш вазири Жон Мейжор, БМТ Баш хотиги Бургос Голи, Европада ҳавфисизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент асамблеяси вице-президенти Вилии Виммерлардан тарз мактублари олинди.

• Македония Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва Мухтор эҷиси этиб тайинланган Трајан Петровски Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топшириди.

• Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Наврӯз умумхалқ байрамига тайёрларик куриши ва уни утказиш республика ташкили қумитасининг маҳлиси булиб утди.

• Андикон вилоятида «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасини маҳаллийлаштириши дастурини амалга ошириши тадбиркорлик тузилмаларининг иштирок этиши масалаларига бағишланган семинар-кенгаш утказилди. Унда Узбекистон Туркия, Ҳиндистон, Пакистон, Россия Федерацияси ва бошқа бир катор мамлакатларнинг тадбиркорлари иштирок эти.

• Янги йил арафасида спортчиларимиз ҳам ажойиб ютукларни кулга киритиб, мустақил юртимиз донгини оламга ёнишмоқда. Жумладан, таъжандо бўйича Ирландия очиқ чемпионатида ҳампортларимиз Алла Ким, Инна Хегай ва Евгений Ханлар уз вазн тоифалари бўйича Ирландия чемпиони булиди. Бухоронинг «Ситораз» чавғончи қизлари эса Таиландда утган Қирол кубоги баҳсларида муваффақияти иштирок этиб, голиб чиқиши.

Ўзда Республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

ТАНИШУВ

Узбек аёлларининг яшаш шароити билан қизиқувчи меҳмонлар сони кундан-кунга кўпайиб боромекда.

Шундай меҳмонлардан бири — Бирлашган Миллатлар Ташиклиоти вакили, Лондон университетининг профессори Дениз Кондиотти юртимизга ташриф буорди. Жумладан, меҳмоннинг Қашқадарё вилоятига сафари таассуротга бой бўлди.

Вилоят хотин-қизлар қумитасининг раиси Комуна Исмоилова профессор Дениз Кондиоттига ҳамроҳлик қилиб, унни Шахрисабз ва Караби туманлари аёлларининг яшаш шароити билан танишиди.

Муассисларимиз ҳаётидан

Вилоят хотин-қизлар қумиталарига берини керак, деган қарорга келди. Худлас, УзДЭУ қўшима корхонасида ишлаб чиқарилган «Нексис» машинаси. Кашиб туман хотин-қизлар қумитасига, «Тико» Қарши туман хотин-қизлар қумитасига, «Дамас» эса Усмон Юсупов туман хотин-қизлар қумитасига тегадиган бўлди.

Ўз мухбиришим

АЁЛ — ОИЛА САЛМАНАТИ МАЛИКАСИ

Яқинда Фаргона шаҳрида республика хотин-қизлар қумитасининг Германиянинг Конрад Аденauer фондидан билан ҳамкорликда «Аёл ва жамият» шиори остида утказилаётган семинарнинг «Аёл. Оила. Жамият» мавзусига бағишланган 3-боскичи узиншини якунлади. Семинарда Фаргона вилояти шаҳар, туман хотин-қизлар масалалари билан шугулланувчи уринбосарлари, тадбиркор аёллар, фаол опа-синилларимиз қатнашчилар. Анжуманниша Республика Бош вазирининг уринбосари, Узбекистон хотин-қизлар қумитаси раиси Д. Гуломова, Республика хотин-қизлар қумитаси раисининг уринбосари Д. Кобулова, Конрад Аденauer фондидан ҳудудий бошқарувчи вакили Волфганг Шрайбер, семинар раҳбари Н. Муравёва, Республика Боалар жамгармаси раиси И. Юсупова, Германийнин Рур университети олимаси Аннета Крамер иштирок эти. Анжуманда созга чиқиб, йигит-қизларни турмушга тайёрлаш, оиласи мувофиқлаштириш ва режалаштириш, аёлларимиз саломатлиги мумомлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар билан утқожлашилар.

Анжуман қатнашчилари Маргилон шаҳар Бахт уйидаги булиб утган никоҳ тантанасида қатнашиди, Маргилон ва Фаргонада шаҳар фуқаролари ҳолатлари далолатномаларини ёзиш булими мудирлари Р. Даҳаҳонова ва М. Махамматованинг иш тажрибалари билан танишилар.

Анжуманнинг иккичи кунида жаноб Волфганг Шрайбер анжуманиниң жонкурълик, оиласларварлик хислатларини қадраган ҳолда, унинг ижтимоий ҳаётдаги сиёсий фаоллиги, бошқарув органларидаги мавқеини мустаҳкамлашга оид уз тилакларини изҳор эти.

— Оиласи режалаштириш дегани

тәъкилаш ёки болани камайтириш деган суз эмас, — деди жаноб Шрайбер.

Республика хотин-қизлар қумитаси раисининг уринбосари Д. Қобуловда, вилоят соглиқини саклаш бошқармаси бошлиги Ҳ. Ҳожираҳматова анжуманда созга чиқиб, йигит-қизларни турмушга тайёрлаш, оиласи мувофиқлаштириш ва режалаштириш, аёлларимиз саломатлиги мумомлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар билан утқожлашилар.

Анжуман қатнашчилари Маргилон шаҳар Бахт уйидаги булиб утган никоҳ тантанасида қатнашиди, Маргилон ва Фаргонада шаҳар фуқаролари ҳолатлари далолатномаларини ёзиш булими мудирлари Р. Даҳаҳонова ва М. Махамматованинг иш тажрибалари билан танишилар.

Жаноб Волфганг Шрайбер анжуманиниң учинчи боқсичига якун ясад, тингловчиларга сертификат-гувоҳномалар топшириди.

«Аёл. Оила. Жамият» мавзудаги мазкур анжуман сабогини олган опасингиллар мустақил Ватаннинг порлок истиқболи йўлидаги бунёдкорлик ишларининг олдинги сафларида борадилар, деса умид қиласиз.

Маҳфуз УСМОНОВА

ОИЛА КУНИ

Оламда гап кўп

ЯПОНЛАРНИНГ ФАХРИ

Сумо японларнинг миллий қураши, сумочилар эса ифтихори, фахри ҳисобланади. Сумочилар ойига сумо лигасидан 15 минг доллар маош, текин овқат, кийим-кечак, мамлакатнинг йирик пиво компанияларидан бепул пиво олиб туришади. Мусобақадаги ҳар бир галаба учун уларга 500 доллар, мутлақ голиб бўлганда эса 20 минг доллар мукофот берилади.



— Янги йилга Онамга нима совға қўйсан экан?

Соат ҲАҚБЕРДИЕВ

СЕВГИ – ЭНГ ОЛӢӢ ЖИСЛАТ

ЁХУД АМЕРИКАЛИК КЕЛИН

Мен уни мактаб ҳовлисида, ўқувчилик даврасида учратиб қолдим. Куринишидан 15-16 ёшлар чамасидаги бу қизининг ёқими истараси, майин овози ва ўзбек тилида чиройли сўзлаши беихтиёр эътиборимни ўзига жалб этди. Унинг қоп-қорақошлари, ойюзига боққаним сайн у билан танишиш истаги тобора кучайди.

Шундай қилиб, мен бола хайл қилган қизалоқ шу мактабнинг инглиз тили муаллимиаси булиб чиқди.

Мигэнхоним (Мадина Отакузисва) – узоқ Американинг Техас штати, Сан Анжилло шаҳрида 1972 йили

кистон мустақиликка эришгандан сунг Америка ва Узбекистон ўргасида барча соҳаларда ҳамкорликлар амалга оширилди. Бугун Узбекистонда бир қанча Америка компанийлари иш олиб бормоқда. Маданият, таълим жабхалиридая сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, мен ҳам ёш мустақил Узбекистон давлатининг равнақига озми-купми ўз ҳиссамни қушаётганидан фоят мамнумман. Қолаверса иносон қайда бўлмасин ўз севган ишини қиласа, у уша ерда баҳтиёрдир.

Тўғри, иккى давлат ўргасида фарқ жуда катта. Америкада таълим системасига эътибор жуда баланд. Масалан, бизда мактаб-лицеялар маҳсул фанлар буйича ихтиосолаштирилган. Мактабларда тартиб-интизом жуда қаттиқ. Бирор бир дарс ўтилмай қолмайди. Мабодо ўқитувчи бетоб бўлса ёки бирор сабаб билан дарсга келломай қолса, у албатта олдиндан огоҳлантиради. Ва шу дарсга бошقا ўқитувчи тайинланади. Сизларда эса бунга эътибор бирор сустроқ экан. Уқувчilar дарсда бўлишдан кўра кўпроқ буш юришади.

ОИЛАДА БАХТЛИ ОДАМ ЭНГ БАХТЛИДИР!

— Мигэнхоним, биз сизни кўплаб муштариylар номидан яқинда бўлиб ўтган никоҳ тўйларингиз билан кўтлаймиз. Илоё, бахт-саодатли бўлинглар! Узбекистонга, ўзбек хонадонига келин бўлганингиз ва бугунги кунда қандай ташвиш-кувончлар билан ўяштаганингиз барчамизни қизиктиради. Айтинг-чи, ўзбек йигитига турмушга чиқишингиз ҳақида олдин ҳеч ўйлаганимиз?

— Тұғриси, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандим. Лекин биласизми, мен ҳаётда тақдир, қисмат деган нарсаларга жуда жуда ишонаман. Азизни илк учратганимда ёк галати булиб кеттанди. Эҳтимол, уша пайтда ёк дил ришталаримиз болгандандир.

— Түрмуш ўргонгиз билан қандай топишгансизлар?

— Бир ўрготим орқали черковда танишиб қолдик. Аввалига биз дустона учрашиб юрдик. Кейинчалик бу самимий муносабатларимиз мухаббатга айланди. Менга Азизнинг очик кўнглилости, самимийлиги, илмга чанқоқлиги жуда ёқади...

— Кўпчилик ўз хизмат вазифаси, жамоат ишларини биринчи ўринга, оилани эса кейинги ўринга қўяди, Сизчи?

— Оилани. Чунки ўз уйида, оиласида тинчлик, осойишталик топган инсонгина энг баҳтилди. Бошқа ишлар эса ўз-узидан ривожланниб кетавади. Менинча, оила бу бир гулшан, уни авайламоқ, парваришламоқ ло-

зим. Инсон учун энг бебаҳо нарса ҳам оиласидар.

— Ўзбекларда шундай бир' ажойиб нақл бор — қиз бола палахмоннинг тоши. Яъни қиз бола қаерда турмуш қиласа, ўша ерда палак ёйиб, тошдек қотсин, деган маънода. Аммо ўз туғилган масканинг, жони жигарларингдан айрилиб яшаш оғир бўлса керак. Демоқчиманки, сизнинг ҳам бошингиздан шундай ҳолатлар кечётгандир. Умуман, Ватан туйгуси ҳақида тушунчанинг?

— Инсон доимо юксакликка интилиб яшаган. Ватан учун, унинг баҳтистиқбили учун куйиб-ённиб яшаш керак. Менда Ватан ҳақида тушунчада шундай. Болалиқдан то ўсмириликка кадар туғилган юртинг, униб-устган жойинг Ватан. Турмуш қургандан сунг оиласидар — Ватан.

«МЕНИНГ ЭНГ ЯҚИН ДҮСТСИМ, МАСЛАҲАТГҮЙИМ — УМР ЙУЛДОШИМ»

— Сизнингча аёлнинг жамоат ишида ишлагани дурустми ёки уйда ўтиргани?

— Иккаласи ҳам. Аслида аёлларимизнинг кўпроқ уйда ўтиргани афзал. Америкада камдан-кам аёллар ишлайди. Чунки улар бола тарбияси билан шугулланади. Иш жойларидан ҳам иш соати эркакларнига нисбатан камроқ. Аёл кўпроқ уйда бўлса ўзига, болаларига, ёринга ҳам қарайди. Ёки бунинг тескариси. Аёл кун бўйи ишда булиб, кечқурун эр билан олдинма-кейин кириб келса, қандай хунук. У оила оила эмас, оддий бир кўналгага айланиб қолади, фарзандлар тарбияси бузилади.

Мана мен оиласидан буен кўпроқ уйда бўлишин ҳоҳлайман. Шунинг учун ўз иш соатларимни қисқартирганман. Ҳар куни ҳужайнимдан олдин келиб, ўз ишларини саранжомлаб, ширин таом қилиб кутиб олишга ҳаракат қиласаман.

— Шарқда иккى ёш оила кургандан сунг энг асосий нарсалардан бири қиз боланинг бокиравлиги, иффати, номуси саналади. Қолаверса, бу иккى ёшининг жисмониан ёндашувида тозалик ва ишонич белгиси ҳамдир. Америкада бу масалага қандай қаралади?

— Бизда ҳар жойда ҳар хил одат. Кўп жойларда бу нарса унчалик мухим эмас. Оила иккى ёшининг ихтиёрий розилиги, бирбирига бўлган ишончи оқибатида қурилади.

— Мадинахон, барий, сиз Фарбда тарбия топгансиз. Шарқда эса урф-одатлар бутунлай ўзгача. Бу урф-одатларни ўрганиш, унга мослашиш қийин кечмаяптими?

— Менга Узбекистон



дастлабки келган кунимданоқ жуда ёқиб қолди. Аввал Самарқандда, сунгра Қўқонда узбек хонадонларида яшадим. Тез орада уларнинг тилларини, урф-одатларини ўрганишни жуда хоҳлайман.

— Асал ойини қаерда ўтказдигизлар?

— Тошкентда.

— Оилани оила қилишда эр хотин учун қандай хислатлар зарур, деб ўйлайсиз.

— Оиласи оила қиласидан асосий нарсалардан бири эр хотиннинг маънавий савиясидир. Одобсиз, ёмон оиласидан маънавий қашшокликдан келиб чиқади. Мен кейинги вақтда бир муаммо устида жуда куп ўйладиган булиб қолдим. Агар кузаттган булсангиз куп ота-оналар ҳозир бозорда. Улар бола тарбияси, оиласидан тинчлик-фаронолигини пул билан ултаб кўя қолишган. Бу жуда катта като. Ахир, болага нима ни ургатсангиз шуну қиласи ва шундай бўлиб усади.

— Ота-онангиз ҳозир қаерда яшади?

— Ҳозир улар Арабистонда яшади. Арабистонга, уларнинг олдига тез-тез бориб турман. Турмуша чикмасимдан олдин ота-онанни куп кўмсардим. Энди турмуш, ҳаёт ташвишлари билан булиб куп боролмай қолдим. Лекин мен бир нарсалан багоят хурсандман. Қайнонам, яъни ойижоним менга уз онамдек булиб қолдим. Улар меҳрибон, қалби тоза аёл. Билмаганларимни ўргатадилар, оғиримни ёнтилди.

— Келгусидаги режаларингиз?

— Турмуш ўрготим ва мен маълумотимизни янада ошириб, келажакда шириндан-шакар фарзандлар тарбиялаш ниятидамиз.

— Самиими сұхбатнингиз учун раҳмат.

Сұхбатдош **Дилбар РАҲИМ** қизи



Сұратларни Равил АЛБЕКОВ олган

